



НЕФТГАЗ КОРХОНАЛАРИДА ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Умурзоков Жамолиддин Шербекович, PhD

Тошкент молия институти мустақил изланувчиси,

e-mail: jamoliddin.umurzokov@gmail.com

ORCID: 0000-0002-7662-4210

IMPROVEMENT OF THE SYSTEM OF FINANCING GEOLOGICAL EXPLORATION WORKS IN OIL AND GAS ENTERPRISES

Umurzokov Jamoliddin, PhD

Independent researcher of Tashkent Financial Institute,

e-mail: jamoliddin.umurzokov@gmail.com

ORCID: 0000-0002-7662-4210

JEL Classification: G2, G21

Аннотация: Пандемиядан кейинги давр ва жаҳонда кузатилаётган геосиёсий ўзгаришилар даврида ҳудудларни комплекс тармоқлардаги транфсформация жараёнлари ва умуман иқтисодиётни ривожланиши тенденциялари бевосита энергия таъминоти билан чамчарбас боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда.

Ёқилги-энергетика соҳаси, хусусан нефть-газ саноатида, геология-қидирув ишларини олиб боришга йўналтирилган инвестициялар муҳимлигини таъкидлаш лозим.

Геология-қидирув ишларининг алоҳида ёндашув талаб қиласидиган табиати, иқтисодий таваккалчилик ва капиталнинг рентабеллиги, тўғридан-тўғри молиялаштириши шакли, ва айниқса инвестициялар оқимини рагбатлантиришида давлат иштирокига бўлган эҳтиёж мухим.

Бошқа тармоқлар билан солиширганда, геология-қидирув ишларига инвестиция таваккалчилигининг ортиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда, геология-қидирув ишларига нодавлат

инвестицияларни кўпайтириши алоҳида аҳамиятли.

Шундан келиб чиққан ҳолда мазкур мақолада миллий иқтисодиётда нефт ва газ саноатида геология-қидирув ишларини ривожлантириши назарияси ва амалиётининг айрим масалалари муҳокама қилинади.

Асосий хуносалар шундан иборатки, геология-разведка ишларини бошқаршишининг қониқарсиз ҳолати кўп жиҳатдан ушбу соҳа самарали тартибга солинмаганлиги билан боғлиқ. Сўнгги ишлардаги ишлар натижалари мисолида бутун мамлакат учун умумий бўлган ер қаъридан фойдаланиши муаммоларини тавсифловчи долзарб маълумотлар келтирилган.

Abstract: In the post-pandemic period and the period of geopolitical changes observed in the world, comprehensive development of regions, transformation processes in industries and trends in the development of the economy as a whole show that they are directly related to energy supply.

It is important to emphasize the importance of investments in the fuel and energy sector, particularly in the oil and gas



industry, in conducting geological exploration.

The nature of prospecting requires a special approach, economic risk and return on capital, the form of direct financing, and especially the need for state participation in stimulating the flow of investments.

Given the increased risk of investment in exploration compared to other sectors, increasing private investment in exploration is of particular importance.

Based on this, this article discusses some issues of the theory and practice of development of geological exploration in the oil and gas industry in the national economy.

The main conclusions are that the unsatisfactory state of geological exploration management is largely due to the fact that this field is not effectively regulated. As an example of the results of recent years, up-to-date information describing the problems of subsoil use common to the whole country is presented.

The article discusses certain issues of theory and practice of the development of geological exploration in the oil and gas industry of the national economy.

The main conclusions are that the unsatisfactory state of exploration management is largely due to the lack of effective regulation in this area. On the example of the results of work in recent years, the actual data characterizing the problems of reproduction of subsoil use common to the whole country are given.

Калим сўзлар: нефть ва газ саноати, геология-қидириув ишлари, инвестициялар, молиявий барқарорликни таъминлаш, саноат, минерал-хом ашё, бургилаш, сейсмоқидириув, самарадорлик.

Key words: oil and gas industry, geological exploration, investments, ensuring financial stability, industry, mineral

raw materials, drilling, seismic exploration, efficiency.

Кириш. Нефт ва газ саноати Ўзбекистон иқтисодий тараққиётида улкан рол ўйнаган ва бундан кейин ҳам ўйнайди. Саноат ишлаб чиқариш структурасининг деярли бешдан бир қисмини эгаллаб, иқтисодиётнинг барча тармоқларига улкан мультиплектив таъсир кўрсатади [1].

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда минерал-хом ашё, жумладан нефть ва газ базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш борасидаги фаолиятни босқичма-босқич ислоҳ қилиш ва тижоратлаштириш йўли билан геология-қидириув ишларини ташкил этиш тизими тубдан такомиллашиб бормокда. Бу борада Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги “Нефть ва газ геология-қидириув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4522-сонли Қарори ва ушбу қарор доирасида белгиланган вазифаларнинг амалий ижросини таъминлашга йўналтирилган “йўл харитаси”нинг ўрнини алоҳида қайд этиш лозим [2].

Мазкур қарорнинг 4-иловасига мувофиқ шакллантирилган йўл харитасида “Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан салоҳиятли чет эл инвесторлари билан илгари имзоланган шартномалар доирасида янги инвестиция лойиҳалари илгари суримишини эътиборга олган холда тизимли равища инвестиция обьектлари портфелини шакллантириш (жумладан геологик ва бошқа маълумотлар) ва улар тўғрисида салоҳиятли хорижий инвесторларни хабардор қилиш вазифаси юклатилган.

Сўнгги йилларда иқтисодиётда юз берадиган таркибий ўзгаришлар,



худудларни комплекс ривожлантириш, махаллий саноат ва кластерлар фаолиятини ривожлантириш, тармоқлардаги трансформация жараёнлари иқтисодиётнинг жадал ривожланиши етарли энергия таъминоти билан чамчарбас боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда [8]. Келгуси 10-15 йил давомида иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини йилига камида 7-8 фоизни ташкил этиш муаммосини ҳал этиш нафақат мамлакат иқтисодиётини энергия ресурслари билан таъминлайдиган нефть-газ секторининг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган жиддий саъй-харакатларсиз мумкин эмас [1].

Хозирда энергия манбаларини диверсификация қилиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, геология қидирув ишлари, инвестиция лойихаларини амалга ошириш ва нархларни шакллантириш ишларининг самарасизлиги республика иқтисодиёти ва аҳолисининг энергия ресурслари билан тўлиқ таъминланмаслигига, нефть-газ тармоғи корхоналари молиявий ҳолатининг ёмонлашувига олиб келди. Жумладан, сўнгги 20 йилда табиий газ қазиб олиш ҳажми 8 фоизга ошгани ҳолда мамлакат корхоналари томонидан уни қазиб олиш ҳажми 29 фоизга пасайди, 2008-2018 йилда тасдиқланган табиий газ захиралари 4 фоизга қисқарди, ўтган 5 йил давомида табиий газнинг табиий захиралари ўрнини тўлдириш бўйича ўртacha кўрсаткич 70 фоизга яқин ҳажмни ташкил этди [3].

Материал ва метод. Саноат тармоқларида муҳим таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва инвестицион фаолликни таъминлашда нефть-газ саноатнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Геология-қидирув ишларини ташкил этиш тизимини

такомиллаштиришнинг нефть-газ корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти турли иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

Хусусан, Ахатов А.Г., Ильинский А.А., Муслимов Р.Х. тадқиқотларида ташкилий механизмдаги устуворлик инвестицияларни жалб этишга йўналтирилганлиги билан бирга инвестицион самарадорликни ошириш жараёнига мақсадли эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилган.

Бундан ташқари, Герт А.А. тадқиқотларида бошқарув қарорларининг нефть-газ корхоналари фаолияти самарадорлигини таъминлашдаги ўрни тадқиқ этилган.

Арбатов А. томонидан нефть-газ саноатида интеграцияланмаган компанияларни шакллантириш йўллари кўриб чиқилган. Бунда у ресурс базасининг асосий ривожланиш босқичига ўтиши ва умумий иқтисодий вазиятнинг тубдан ўзгариши кичик бизнеснинг пайдо бўлишига ёрдам беришини айтган.

Натижалар. 2017-2018 йилларда молиявий маблағларнинг этишмаслиги ва моддий-техник ресурсларнинг тақчиллиги натижасида табиий газ қазиб олишнинг ўсиши прогноз кўрсаткичларига нисбатан 40 фоиз атрофида бўлди. Бунинг асосий омилларидан бири углеводород захираларини ўстириш кўрсаткичларини сўнгги йилларда пасайиб кетгани билан ҳам изоҳланади. Хусусан, сейсмоқидирув ЗД ишлари 2019 йилда 2500 кв.км ташкил қилган бўлса, 2020 йилда 30 кв.км.га тенг бўлди. Сўнгги икки йилда табиий газ захирасини ўстириш даражаси 47,8 фоиз газ конденсатиники эса 59,5 фоиз даражасида бўлганини кўриш мумкин (1-жадвал).

Ўз навбатида, углеводород захираларини ўстириш даражасининг пастлиги ажратилган капитал кўйилмалар ҳажмининг етарли эмаслиги билан изоҳланади.

Йиллар давомида янги конларни очиш учун геология-қидирув ишларига етарли даражада инвестиция жалб этилмаганлиги ва янги майдонлар ўзлаштирилмаганлиги, моддий техника базасининг янгиланмаганлиги,

модернизация бажарилмаганлиги, маҳаллий ихтисослашган корхоналар билан ўзаро ҳамкорликнинг мураккаблиги, энергетика тармоғида эркин бозорга ўтиш ислоҳотларининг кечикиши, иқтисодиёт тармоқларида энергия сарфи юқорилигича сақланиб қолаётганлиги табиий газни қазиб чиқариш ва барқарор етказиб бериш жараёнларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

1-жадвал

“Ўзбекнефтгаз” АЖда 2019-2021 йилларда углеводород захираларини ошириш кўрсаткичлари [3]

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2019 йил | 2020 йил | | 2021 йил | |
|--|---------------|----------|----------|------------------------|----------|------------------------|
| | | | амалда | ўсии суръати, (фоизда) | прогноз | ўсии суръати, (фоизда) |
| Сейсмоқидирув 3Д ишлари | кв. км | 2500 | 750 | 30 | 1370 | 182,7 |
| Янги майдонларни излов бурғилашга жорий килиш | майдон | 11 | 6 | 54,5 | 19 | 316,7 |
| Излов-қидирув ва параметрик бурғилаш | минг пог.м | 96,7 | 76,4 | 79 | 170,0 | 222,5 |
| Қудуқларни қурилиш билан тугатиш | бирлик | 44 | 33 | 75 | 50 | 151,5 |
| Углеводород захираларини ўстириш, шундан: | | | | | | |
| табиий газ | млрд.м.куб. | 42,04 | 20,1 | 47,8 | 35,0 | 174,2 |
| конденсат | минг.т. | 1700,0 | 1012,0 | 59,5 | 900,0 | 88,9 |
| Геология қидирув ишлари учун капитал кўйилмаларни ўзлаштириш | млрд.сўм | 979,5 | 572,5 | 58,4 | 1200,0 | 209,6 |

Республикада геология-қидирув ишларининг етарли бажарилмаслиги, нефть ва газга истиқболли майдонларнинг танқислиги, бир қатор инвестиция блокларининг бўш турганлиги сабабли захираларни кўпайтириш тобора қийинлашиб бормоқда.

Бу ҳолат республика истеъмолчиларнинг эҳтиёжини қондириш

учун тезкор равишда қўшимча газ захираларини топиш ва қазиб олиш ҳажмларини кўпайтириш зарурлигини кўрсатмоқда. Акс ҳолда, Республикада мавжуд табиий газ захиралари тахминан кейинги 30-35 йил ичida қазиб олиб тугатилиши ва тўлиқ газ импортига ўтилиши мумкин. Қазиб чиқариш тобора ортиб боришини эътиборга олган ҳолда



тўлиқ газ импортига боғланиб қолиш муддати янада қисқариши мумкин.

Юқоридаги муаммоларнинг энг асосий сабабларидан бири Республикадаги истиқболли худудлардан 40 фоиздан зиёдроғи хорижий ва қўшма корхоналар иҳтиёрида бўлса қолганлари эса Тоғ кон саноати ва геология вазирлиги ҳамда “Ўзбекнефтгаз” АЖ иҳтиёрида эканлиги билан ҳам изоҳланади [3].

Бундан ташқари, 2017-2021 йилларда “Ўзбекнефтгаз” АЖ геология-қидирув ишлари учун прогнозга нисбатан 62 фоиз маблағ ажратилган. Натижада, энг сўнгиси 2008 йилда ишлаб чиқарилган бурғилаш ускуналари модернизация қилинмаган ва уларнинг барчаси ўз иш ресурсларини ўтаб, юкори даражада таъмирталаб ҳолатга келиб қолган, уларни 6000 метргача ва ундан ортиқ чукурликларга ҳамда юкори кувватларда ишлатиш имконияти мавжуд эмас. Бу эса қудукларда бурғиланган ораликларни қайта тиклаш учун қўшимча вақт, маблағ ва бошқа ресурсларнинг такроран сарфланишини келтириб чиқармоқда.

Бундан ташқари, 2020 йилга қадар геология-қидирув ишларини амалга ошириш ва назорат қилиш бўйича ишлаб чиқариш ва сервис ташкилотлари ҳамда улардаги ЗД ускуналари, бурғилаш дастгоҳлари ва бошқа жихозлар “Ўзбекнефтгаз” АЖ таркибидан чиқарib юборилган. Ҳозирда ушбу корхоналарнинг асосий буюртмачиси “Ўзбекнефтгаз” АЖ бўлишига қарамасдан, улар билан ҳамкорлик қилишда бир қатор бюрократик тўсиқлар юзага келмоқда.

Яна бир жиҳат республикада нефть ва газ геология-қидирув ишларини амалга ошириш бўйича ягона дастурнинг йўқлиги сабабли табиий газ заҳираларини ўстириш қониқарсиз ҳолда. Шу сабабли

нефть ва газ геология-қидирув ишларини ягона тизим остида қайта ташкил қилиш ва бу орқали келгуси 10 йиллик учун истиқболли Дастурни ишлаб чиқиш зарурияти юзага келган.

Конларда заҳиранинг ва қатлам босимининг кескин камайиши натижасида қазиб чиқарилаётган табиий газнинг қарийб 95 фоизидан ортиги мураккаб технологик қурилмаларга эга бўлган сиқув компрессор станциялари ёрдамида қазиб чиқарилмоқда ва бу ўз навбатида газ қазиб олишда ўз эҳтиёжига ишлатиш ва технологик йўқотишлар сарфини тобора ортиб боришига олиб келмоқда.

Мунозара. Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги “Нефть ва газ геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4522-сонли Қарорида белгиланган вазифаларнинг амалий ижросига йўналтирилган чоратадбирлар этиб қуйидагилар белгиланган:

1. Хорижий инвесторлар томонидан инвестиция блоклари бўйича тақдим этилган материалларни ўрганишни тезлаштириш ва ер қаърини геологик жихатдан ўрганиш бўйича ҳамкорлик қилишни давом эттириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

2. Инвестицияларни жалб қилиш мақсадида нефть ва газ учун устувор геологик объектлар рўйхатини ишлаб чиқиш;

3. Тақдимот материаллари, геологик ва бошқа маълумотлар (график иловалар ва тахлилий маълумотлар) билан инвестиция объектлари портфелини тайёрлаш;

4. Давлат геология қўмитасининг расмий веб-сайтида тақдимот материаллари билан бирга инвестицион



таклифлар портфелини жойлаштириш хамда уларни бошқа расмий усулларда тарқатиш, шу жумладан салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш мақсадида чет элларда ўтказиладиган бизнес тадбирларда қатнашиш ва “road-show” тақдимотларини ўтказиш.

Бу каби қатор холатлар мамлакатимиз нефть-газ корхоналари инвестицион фаолиятини такомиллаштиришда асосан ташкилий механизмга устуворлик берилишини намоён этади [4].

Ташкилий механизмдаги устуворлик инвестицияларни жалб этишга йўналтирилганлиги билан бирга, инвестицион самарадорликни ошириш жараёнига мақсадли эътибор қаратиш зарур [5].

Айниқса, мамлакатимиз нефть-газ корхоналарига асосан, маҳсулотни қазиб олиш ва қайта ишлишда техник-технологик соҳага йўналтирилган, шунингдек ўзлаштирилиши режалаштирилаётган конлар ҳисобига инвестицион сарфлар ҳажми юкори эканлиги алоҳида эътибор талаб этади [6].

Бу эса, ўз навбатида, тармоқда инвестицион самарадорлик кўрсаткичларини доимий (мўътадил) суръатларини сақланиб қолиниши ва инвестицион риск даражасини ортиб бориш хавфини юзага келтиради. Бу борада хориж тажрибасига асосланган куйидаги ташкилий-иктисодий механизмларни амалга оширишга устуворлик бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- нефть-газ корхоналарининг ривожланиш векторига мувофиқ инновацион ва углеводородларни чуқур қайта ишишга йўналтирилган инвестиция лойиҳалари учун халқаро технологиялар трансфертини

таъминловчи давлат-хусусий шерикчилик механизмидан фойдаланиш;

- соҳадаги трансмиллий корхоналар билан биргаликда маҳаллий инвесторлар билан ҳам турли хил самарали усулларни (маҳсулотни тақсимлаш битими, концессиялар, қўшма корхоналар, биргаликда қазиб олиш ва ҳоказо) кўллаш ҳисобига интенсив хамкорликни кенгайтириш;

- давлат-хусусий шерикчилик механизмини йўлга қўйишида жамоатчиликни кенг жалб қилиш ҳисобига шаффоф танлов, аукцион ва тендерлар ўтказиш;

- нефть-газ корхоналари инвестиция лойиҳаларининг ўзаро уйғунлиги, узвийлиги, иктисолий жихатдан самарадорлиги ва мантиқийлигини баҳолаб борувчи платформани шакллантириш;

- инвестицияларни баҳолаш бўйича ягона электрон платформанинг яратилиши инвестиция жараёнлари самарадорлиги сезиларли равиша оширади, уларни баҳолашда мустақил ва объектив карашни юзага келтиради, молиявий моделни яратилиши ва нархларни ҳисоблашда бозор механизмларига асосланган услубни шакллантириш ва бошқалар.

Хулоса. Хозирги босқичда мамлакат иктисолиётини ривожлантиришнинг юкори суръатларини сақлаб қолиш мақсадида маҳаллий нефт-газ саноатини ривожлантиришнинг асосий “устувор вазифаси – бу углеводород ресурслари захиралари ва қазиб олиш ҳажмини пасайишининг салбий тенденцияларини бартараф этиш” [7], унинг барқарорлигини таъминлашdir .

Маҳаллий нефт ва газ саноатининг сўнгти йилларда ривожланиш тенденцияси таҳлили асосида асосий ургуни геология-



қидирув ишлари ҳажмини кескин ошириш, соҳага хусусий инвесторлар ва илғор хорижий компанияларни кенг жалб қилиш, истиқболли майдонларда геология-қидирув ва конларда қазиб олиш ишларига шаффоф механизмларни киритиш каби мақсадларга қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Бунда шу жумладан қуйидаги таклифларни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан. Барча ер қаъри фойдаланувчилари томонидан тегишли худудларда геология-қидирув ва углеводород қазиб чиқариш ишларини яхлит тизим асосида олиб борилиши учун Тоғ кон саноати ва геология вазирлигига геология-қидирув ишлари билан шуғулланувчи бўлинмалар таркибий тузилмасини трансформация қилиш, шу жумладан нефть ва газ соҳасига доир функция ва вазифалари “Ўзбекнефтгаз” АЖга юклаш.

Иккинчидан. Республикада нефть-газ геологияси ва геофизикиси билан шуғулланувчи асосий корхона “Ўзбекгеофизика” АЖни “Ўзбекнефтгаз” АЖ тасарруфига ўтказиш ва унинг фаолиятини қайта ташкил этиш.

Учинчидан. Республика худудида инвесторларга тақдим этилган инвестиция блоклари, углеводород конлари ва истиқболли майдонларни хатловдан ўтказиш, уларда амалга оширилган ишлар таҳлил қилиш ва фойдаланилмаётган обьектларни биринчи навбатда “Ўзбекнефтгаз” АЖга ва ундан кейин бошқа салоҳиятли инвесторларга аниқ вазифаларни белгилаган ҳолда топширишни ташкил қилиш

Тўртинчидан. Геология-қидирув ва қазиб чиқариш ишлари доирасида Устюрт

ва Бухоро-Хива каби худудларнинг 6 минг метргача ва ундан чукур қатламларида янги углеводород конларини топиш, кўшимча захираларни аниқлаш ва табиий газ қазиб чиқариш учун маҳсус дастгоҳлар, техникалар, ускуналар ва бошқа замонавий моддий техника ресурсларини ҳарид қилиш ва мавжудларини тубдан модернизация қилиш ва капитал таъмирлаш хизматларни қўрсатиш бўйича хорижий етакчи ишлаб чиқарувчи заводлар, компаниялар ва уларнинг вакиллари билан музокаралар ўтказиш йўли билан энг мақбул таклифларни танлаб олиш орқали амалга ошириш.

Бешинчидан. Чукур истиқболли қатламларни ўзлаштириш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида етакчи хорижий компаниялар ҳамда малакали эксперtlарни музокара асосида жалб этиш орқали жаҳондаги илғор тажрибани татбиқ этишни ташкиллаштириш.

Ўйлаймизки, юқорида қўрсатиб ўтилган муаммоли масалаларнинг бартараф этилиши ҳамда нефть ва газ геология-қидирув ишшларининг етарли даражада молиялаштирилиши натижасида 2023-2026 йилларда “Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан геология-қидирув ишлари доирасида 4500-5000 метр чуқурликдаги, кейинчалик эса 5000-6000 метр чуқурликдаги юқори истиқболли деб баҳолангандан майдонларнинг табиий газ ресурсларини баҳолаш, янги майдонларни бурғилашга киритиш, углеводород захираларини кўпайтириш бўйича тадбирларни самарали ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини беради.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мирзамахмудов Ж., Раҳматуллаев Ҳ. и группа авторов. Совершенствование системы управления в нефтегазовом секторе. Аналитический доклад 2013/11. Центр экономических исследований (ЦЭИ) при содействии проектов ПРООН «Содействие модернизации, ускорению реформ и трансформации».
2. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси (lex.uz). Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги “Нефть ва газ геология-қидириув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4522-сонли Қарори.
3. “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг расмий ахборот сайти www.ung.uz ахборот-статистик маълумотлари.
4. Умурзоқов Ж.Ш., Бакиева И.А. Ўзбекистонда нефть газ саноати корхоналарини трансформациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш динамикаси. “Agro biznes inform” иқтисодий-ижтимоий, илмий оммабоп журнали (1) 1 2022, ISSN 2010-9024, 44 б.
5. Ахатов А.Г., Ильинский А.А., Муслимов Р.Х. Планирование бизнеса на горно-геологических предприятиях. М.: Недра, 1997.
6. Герт А.А. Обоснование эффективности управленческих решений в нефтегазовом бизнесе. «СНИИГГи МСа» Новосибирск 1999 г.
7. Арбатов А. Пути становления российских неинтегрированных компаний. Переход сырьевой базы на зрелую стадию развития и коренное изменение общей экономической ситуации способствовали зарождению небольших форм бизнеса. Нефтегазовая вертикаль. №4, 2001.
8. Умурзоқов Ж.Ш., Бакиева И.А. Ички ва глобал интеграция жараёнларида Ўзбекистон нефть-газ саноати корхоналари трансформацияси. “Agro biznes inform” иқтисодий-ижтимоий, илмий оммабоп журнали (3) 5 2022, ISSN 2010-9024, 139 б.